

Фарғона вилоятида кимё саноати соҳасидаги тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди.

// 20 iyul 2026 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uchrashuv20260720>

Фарғона вилояти ҳокимлигида кимё саноати соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан очик мулоқот ташкил этилди.



Тадбир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Унда тармоқда мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш механизмлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир таклифлар муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганиш, иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Фарғона вилоятига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бириктирилган. Мазкур йўналишда тармоқлар кесимида

«Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда тўртта илмий ташкилот масъул этиб белгиланган.



Тадбир якунида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди ҳамда кимё саноатида тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва илмий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

